Mustaqil gazeta HURRIYAT

# СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ҚОНУН

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Назаримда, қонун устиворлигини таъминлаш ҳар бир фуқарога тегишлидир. Биз қабул қилинган қонунлар муҳокамасини, тарғиботини яхши ташкил этсак, қонунга дахлдор соҳаларда ўзимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни тўғри қўлласак, ҳуқуқларимиз бузилганда ўзимизда ва атрофимиздаги кишиларда судга мурожаат қилиш ҳиссини уйғота олсак, қонун устиворлигини таъминлаш ва қонунни ҳимоя қилишга кўмаклашган бўламиз. Бу соҳада эса ОАВнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқаролар ҳуқуқлари бузилаётганлигини аниқлаш, муносабат билдириш, уларга ёрдам бериш ва уни эълон қилиш эса ахборот воситалари ходимларининг бурчи саналади. ОАВ жамоатчилик назоратини ўрнатадиган асосий демократик институт сифатида жамиятдаги оқсоқликлар ва иллатларга қарши кураша оладиган, ҳатто ҳокимиятнинг ҳар учала бўғинига муносабат билдира оладиган ўз минбарига эга бўлган субъект ҳисобланади. ОАВ ўзига берилган қонуний ваколати доирасида фаолият юритса, албатта, у жамоат назоратини ўрната олади. Умуман олганда, ОАВ фаолиятини янада эркинлаштириш, унинг тўла мустақиллигини таъминлаш, жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирувчи кучга, ўтказилаётган ислоҳотларимизнинг жарчисига айлантириш асосий вазифа сифатида қаралмоқда.

Кейинги вақтларда ОАВнинг ҳуқуқий мақомини кенгайтириш, ваколатини янада ошириш, муассислар билан таҳририятлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиришлар фикримизнинг далилидир. Қонун нормалари ҳар бир шахс, журналист ва фуқароларнинг ахборотни ҳеч бир монеликсиз, тез ва қулай олиши ҳамда эркин тарқатишини таъминлашга қаратилган.

Бир нарсани унутмаслик лозим: ОАВнинг эркинлиги амалдаги қонунларда ва ОАВ Низомида белгиланган. Демак, у мутлоқ эркин бўлолмайди. Чунки унинг эркинлиги бошқа шахслар ва фуқаролар эркинлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Афсуски, бугунги кунда амалдаги қонунларни билиб-билмасдан турли кўринишда бузиш ҳолатлари учраб турибди. Бу ҳолатларга қонунни қасддан бузиш, деб қарай олмаймиз. Балки, қонун тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаслик ёки уни тўғри қўллай олмаслик, баъзан эса ҳиссиётга берилиш натижасида шундай ҳолатлар юзага келмоқда.

Қонунчиликнинг талаби шундан иборатки, муассис таҳририятнинг ички ишларига аралашиши мумкин эмас. Таҳририятнинг ички ишлари — даромад олиш, уни тақсимлаш, ходимларни ишга олиш, ижодий материалларни эълон қилиш оддий, танқидий материаллар босилаётганда ҳеч кимдан рухсат олмасликдир. Муассиснинг цензура сифатида фаолият юргизиши ёки материалларни олдиндан таҳрир қилишга йўл қўйилмайди. Демак, қонунчиликка кўра, муассис ёки муассислар бевосита таҳририят ёки бош муҳаррир билан шартнома тузадилар. Мана шу шартномада иккала тарафнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиши керак. Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг нимадан иборатлиги ва унинг мазмуни эса амалдаги қонунда белгиланган. Муассис фақатгина қонунчиликда белгиланган ҳолатда — Низомда кўрсатилганидек ёки Таъсис шартномаси доирасидагина ҳуқуқларга эга бўлади. Аввало, муассис ОАВни таъсис этаётган пайтда Низом жамғармасини шакллантириши лозим, моддий-техник базани шакллантиришга кўмаклашиши, бош муҳаррирни тасдиқлаши керак. Ходимларни ишга қабул қилиш, уларнинг ижодий ишларини таҳлил қилиш ёки таҳририятнинг ижод йўлини белгилаб беришда муассиснинг ҳаққи йўқ. Демак, муассисларнинг шундай мажбуриятларга эга эканлигини журналистларимиз, ОАВ ходимлари, таҳририятлар ўз ҳуқуқларини талаб этиш орқали уларга тушунтиришлари керак, деб ўйлайман.

Бизнингча, жамият аъзолари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиб туриш, уларнинг фикрларини тинглаш, ислоҳотларни ўрганиш, қонунлар ижросининг таҳлилини оммавий ахборот воситалари орқали бериб бориш одатга айланиши керак. Оммавий ахборот воситалари туб маънода "Тўртинчи ҳокимият"га айланиши жамият ҳаётини тубдан яхшилашга олиб келади.

**Бобокул ТОШЕВ,**
**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ОАВ мониторинги маркази бошлиғи, юридик фанлари номзоди**

Иқтисод

# ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ ТИЗИМИ

## у нисбатан қай даражада?

Кейинги ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизда бир қанча янги ва мустақил соҳалар вужудга келтирилди. Пировардида иқтисодий тараққиёт ҳамда макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, макроиқтисодий барқарорликка эришиш концепциясида солиққа тортиш тизимининг асосий тамойилларини, уларнинг стратегик — тактик масалаларини ечишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. 1998 йил 1 январдан кучга кирган Солиқ кодекси бу соҳада қилинган ишларнинг амалий маҳсули бўлди. Ушбу кодекс солиқ қонунчилигига доир меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни тартибга солди ҳамда солиқ тизимининг яхлит ҳуқуқий негизини яратди. Унда солиққа тортишнинг функциялари, уларнинг ишлаш механизми ўз ифодасини топди.

Маълумки, ҳеч бир мамлакатда идеал солиқ тизими мавжуд эмас. Мамлакатимизда ҳам солиқ тизимини такомиллаштириш ва тадбиқ қилиш борасида талайгина муаммолар тўпланиб қолган. Хўш, улар нималардан иборат?

Биринчидан, бугунги кунда кўпгина тадбиркорларнинг амалдаги қонунчиликда берилган имкониятлардан фойдаланиш орқали солиқларни тўлашдан қочишга интилишлари ёки даромадларини яшириш каби ҳоллар кузатилмоқда.

Иккинчидан, давлат бюджетида бевосита солиқларга нисбатан билвосита солиқлар салмоғининг юқорилиги ва ҳоказо. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ривожланган мамлакатларда солиқ тушумлари давлат бюджетини тўлдиришнинг асосий манбаи ҳисобланади ва ҳар бир фуқаро солиқ тўлаши борасида ўзини масъул деб билади.

Ўзбекиотон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида "Фуқаролар қонун белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар" деб белгиланган. Афсуски, ҳозирги шароитда барча фуқаролар ҳам ўз конституцион бурчларини бирдай тушуниб, солиқларни виждонан тўлашга ҳаракат қилишмаяпти. Уларнинг кўпчилиги маҳсулот ишлаб чиқаришда асосан таннархини ошириш ҳисобига солиқлардан қочишга уриняптилар. Баъзилари солиқ идораларига ўз ҳисоботларини турли баҳоналар билан беришмаяпти, топширилган ҳисоботларда ҳам шундай чалкашликлар мавжудки, ҳатто баъзи ҳолларда фойда қанчаю даромад қанчалигини аниқлашнинг имкони бўлмайди. Бироқ улар даромадни яширганлиги учун озгина (энг кам иш ҳақининг беш бараваригача) жарима тўлашади, холос. Фикримизча, биз солиқларни ихтиёрий равишда тўлайдиган ва бундан фахрланадиган Ўзбекистон фуқароларини тарбиялашимиз керак. Маълумки, солиққа тортишнинг муҳим функцияларидан бири рағбатлантириш функциясидир. Солиққа тортишнинг бу функцияси орқали халқ хўжалигининг айрим аҳамиятга молик бўлган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мумкин. Имтиёзлар иқтисодни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга, чунки бунда имтиёз берган томон ҳам, имтиёздан фойдаланган томон ҳам ютади. Имтиёз олган тадбиркор имтиёзни оқлашга ҳаракат қилади ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширади. Бунинг натижасида у давлатга кўпроқ солиқ тўлайди, аммо ҳозир ҳамма ҳам имтиёзлардан ўринли фойдалана олмаяпти. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, тадбиркорлар солиққа тортиш борасидаги ўз ҳуқуқларини тўла англай олмаганларида бўлса, иккинчидан, маҳаллий вакиллик органлари ва солиқ бошқармаларида бу борада сансоларликка йўл қўйилмоқда.

Фикримизча, солиқ имтиёзларидан унумли фойдаланиш ва тадбиркорларимизни "уйқу"дан уйғотиш вақти келди.

Бу вазифа нафақат солиқ идораси ходимлари, балки барча фуқаролар томонидан мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишини таъминлашдаги муҳим ҳиссаси сифатида намоён бўлиши керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, солиқ соҳасида вужудга келаётган яна бир муаммо бу давлат бюджетидаги билвосита солиқларнинг бевосита солиқлар салмоғига нисбатан ошиб кетишидир. Ҳозирги кунда, кўпгина давлатларнинг макроиқтисодий барқарорликка эришиш дастурларига бевосита ва билвосита солиқлар нисбатини оптималлаштириш вазифалари киритилган. Чунки бевосита ва билвосита солиқларнинг нисбати давлатнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатади. Жаҳон тажрибасида бевосита ва билвосита солиқларнинг 32:68, 50:50, 68:32 каби нисбатлари давлатнинг қай даражада ривожланганлигини аниқлашда қўлланилади. Бевосита ва билвосита солиқларнинг нисбати 32:68 (ривожланган давлатларга), 50:50 (ўрта даражада ривожланган давлатларга (Ўзбекистон ҳам шунга мансуб), 68:32 (қолоқ мамлакатлар)га хос. Ривожланган давлатларни олиб қарайдиган бўлсак, 1998 йилда бу нисбат АҚШда 91:9, Японияда 71:29, Англияда 55:45 бўлган. Умуман олганда, мамлакатимизда ҳам жаҳон тажрибасида ўзини оқлаб келаётган нисбатлар асосида солиқ тизимини ривожлантириш борасида ўзига хос пойдевор яратилмоқда.

**Д. ЭРГАШЕВА,**
**Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети талабаси**

Таклиф

## "ШАРҲ" БАРВАҚТРОҚ БЕРИЛСА...

Ойнаи жаҳонда берилаётган "Газеталар шарҳи" кўрсатувини интиқлик билан кутаман. Марказий нашрларимизда қандай мақолалар эълон қилингани билан танишаман-у, қизиқарли, ўқишли материал чиққан газетани дарров сотиб оламан. Яйраб ўқийман уларни. "Газеталар шарҳи" ижодкорлари юртимиз аҳлини матбуотда чоп этилаётган эътиборга лойиқ материаллар билан тезкор суръатда таништириб боришга интилаётганлари таҳсинга лойиқ. Бироқ, фикримча, кўрсатувни эфирга узатиш вақтини бироз ўзгартириш зарурга ўхшайди. Чунки айни "Газеталар шарҳи" намойиш этилаётган вақтда кўпчилик ишга отланаётган бўлади. Таклифим — кўрсатув 7-7.30 оралиғида, яъни барвақтроқ берилса. Табиийки, ана шунда тингловчилар сони ҳам сезиларли даражада кўпаяди.

Бундан ташқари, кўрсатувда дастлаб шарҳланаётган газеталарга кўп вақт ажратилиб, охирида қолган нашрлар ҳақида муфассалроқ сўзлашга фурсат етмаяпти. Шу сабабли, "Газеталар шарҳи" вақтини яна 10 дақиқага ошириш лозим кўринади.

Яна бир таклиф. Кўрсатув орқали ҳафтада бир маротаба вилоятларимизда чиқадиган энг яхши ва ... энг савиясиз газеталарни ҳам шарҳлаб бориш, менимча, фойдадан холи эмас.

**Нурбек РАҲИМ,**
**Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани**

Ҳимоя

# "АЙБИМГА ИҚРОРМАН"

Эгаси яширинган шу "содда"гина гап ўша яширинган эгасининг ҳаёт йўлини бутунлай ўзгартириб, уни "ҳалол одам"лардан ажратиб, "жиноят"чилар тўдасига ўтказиб қўймоқда. Аслида бу гап шаклан тўғри бўлса-да, мазмунан нотўғридир. Нотўғрилигининг исботи шуки, шу гапнинг тескариси "Айбимга иқрор эмасман" деб айтилади, яъни бу дегани — "айб меники, лекин уни бўйнимга олмайман", деган маънони англатади. Аслида терговчи ёки судьянинг саволига "Менга қўйилган айбга иқрор эмасман" ёки "иқрорман" деб муносабат билдириш тўғрироқ бўлади.

Юзаки қараганда, "айб" сўзи оддий ва тушунарли сўздек туюлади. Аслида эса бу сўз тушунилиши ниҳоятда қийин бўлган илмий тушунчадир. Комил ишонч билан айтаманки, бу сўзни нафақат оддий одамлар, балки ҳуқуқшуносларнинг (шу жумладан терговчиларнинг) баъзи бирлари ҳам нотўғри талқин қиладилар.

Дейлик, бир киши ўз фуқаролик бурчини бажариб, безорилик қилаётган бошқа бир шахсни бир шапалоқ урди. Буни қарангки, безори қурғур ўша шапалокдан ўлиб қолди. Ана энди тартиб ўрнатмоқчи бўлган одам қўрққанидан ўзини-ўзи айблаб, терговчи қўйган қотиллик ҳақидаги айбга осонгина иқрор бўлади. Терговчи эса ишнинг бу қадар осон кўчганидан хурсанд. Чунки у "қотиллик" жиноятини "очган"-да.

Аслида безорини бир шапалоқ урган одамнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқ, аксинча, унинг ҳаракати жамият учун фойдали эди. Сиз: "Нега ахир, одам ўлди-ку!" — дейишингиз мумкин. Тўғри, одам ўлди, лекин бу одамнинг ўлиши — юз берган оқибат. Ахир, безорини бир шапалоқ урган одамнинг мақсади безорилик ҳаракатини чеклашга қаратилганди. Тартиб ўрнатувчида безорини ўлдиришга қаратилган мақсад (қасд) бўлмаган эди. Бу вазиятда ўлимнинг юз бериши тасодифий (кутилмаган) ҳодиса. Бундай оқибат юз беришига ўша безорини бир шапалоқ урган одамнинг кўзи етмаган ва етиши ҳам мумкин бўлмаган. Шу сабабли, ҳатто ўлим оқибати юз берса-да, ҳалиги одамни нафақат қотилликда, балки бошқа енгил жиноятни содир этганликда ҳам айблаб бўлмайди.

Агар оддий одамлар (ҳуқуқшунос бўлмаганлар демоқчимиз) "айб" деган сўзнинг маъносини охиригача тушуниб олганларида эди, улар келажакда бошига тушиши мумкин бўлган бало-қазодан (шу жумладан, туҳмат балосидан) ўзини ҳимоя қила олган бўлардилар. АЙБ — шахснинг ўзи содир қилаётган ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ҳамда ўша қилмишнинг зарарли оқибатига қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги руҳий муносабатидир. Айбни тавсифлайдиган асосий категориялар — унинг **шакли, мазмуни** ва **даражасидир**.

Келинг, бу фалсафий-илмий тушунчаларни соддароқ шаклда ифодалашга ҳаракат қилайлик. Агар шахснинг миясида бировни ўлдириш фикри (ёки бошқа жиноят қилиш) пайдо бўлса, у шу фикрни амалга ошириш ниятида ҳаракат қилган бўлса, жабрланувчи ўлдими (бошқа оқибат бўлдими) ёки йўқми, бундан қатъий назар, ўша одамни қотилликда (ёки бошқа жиноятда) айблаш ва жазолаш керак. Агар шахснинг миясида бундай нияти йўқ бўлса, одам ўлса ҳам (бошқа оқибат юз берса ҳам) уни қотилликда (ёки бошқа жиноятда) айблаб, жазолаб бўлмайди.

Аслида жиноятчига жазо нима учун берилади? Албатта, унинг миясида кейинчалик яна шундай ғайриқонуний ниятлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун. Агар шахснинг одам ўлдириш мақсади бўлмаса-да, биз уни қотилликда айблаб жазога тортсак, уни аслида йўқ (бўлмаган) ниятидан қайтаришга уринсак, бизнинг бу ҳаракатимиз бемаъниликдан бошқа нарса эмас.

Келинг, ҳаётий бир мисолга ўтайлик.

Шу йилнинг 13 май куни ноҳақликдан нолиб юрадиганлар сони яна икки кишига кўпайди, аниқроғи, сунъий равишда кўпайтирилди. Шу куни Жиззах Политехника институтининг икки нафар битирувчи курс талабасини "талончи" деб топган суднинг ҳукми қонуний кучга кирди. Маҳкумлардан бири (айбловни тан олмагани учун 4 йилга озодликдан маҳрум этилган) Беҳзод Норқўзиев катта бир дафтарни ноҳақлик ва адолатсизликка бағишланган шеърлар билан тўлдирибди. Бироз жўнроқ бўлса-да, бу шеърларда бошқаларга ёрдам бераман, деб жиноятчи бўлгани, туҳмат ёмон нарса эканлиги, судларда ҳақиқат юзага чиқмаслиги ҳақидаги ўзига хос ва мос фалсафий қарашлари акс этган. Иккинчи маҳкум, Ўткир Аманов суд томонидан нисбатан пассив жиноятчи деб топилган. "Содир қилган қилмишимдан пушаймонман", дегани учун унга енгилроқ жазо тайинланиб, суд томонидан очиққа чиқарилган. У ҳали ўзининг бошига тушган фожиа кўламини — бир умрга татигулик "талончи" деган тамға босилганини, орадан кўп йиллар ўтганида ҳам одамлар билиб-билмай ундан ўзини ва мулкини эҳтиётроқ тутишга ҳаракат қилишини идрок эта олмагани боис, у қисматидан розидай кўринади...

Мазкур жиноят ишини ниҳоят қаттиқ асаббузар тортишувлар билан ипидан игнасигача ўрганмаганимда, таҳлил этмаганимда, қолаверса, бу икки "айбсиз айбдор"ларга раҳмим келмаганида эди, дилимда шу икки нафар талаба "талончи эмас" деган ички ҳиссиёт ғалаён кўтармаганида эди, ушбу мавзуни газетада дастурхон қилиб ёзмаган бўлардим. Бугунги ёзганларимни маҳкумлар умрининг охиригача асраб юрсинлар, дейман. Токи, бу мақола оз бўлса-да, маҳкумларнинг кўнглига таскин берсин, келажакдаги ҳаётига озмикўпми ижобий таъсир этсин, дейман. Яна бир умидим бор: ким билади дейсиз, балки бу мақолани ўқиган мутасаддилардан бирортаси ишни назорат тартибида ўрганиши ва суд актини қонунга мос ҳолатга келтиришга ҳаракат қилиши ҳам мумкин-да.

Агар шу иш бўйича жабрланувчи Илҳом Жўраев жароҳатини баҳолаган экспертиза хулосаси тўғри, деб топилса, у ҳолда Б. Норқўзиевни ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми (қасддан баданга енгил шикаст етказиш) билан жиноятчи деб топса бўлади. Бироқ экспертиза хулосаси жуда-жуда шубҳали. Ахир, калтакланган И. Жўраев бирон-бир шифокорга ёрдам сўраб мурожаат қилмаган. Ўша воқеа содир бўлган куни тонг отгач, бозорда картошка сотган, бозордаги ишлари тугагач, уйига келиб моллари боққан. Жароҳати уч кунга бормай ўз-ўзидан йўқолиб кетган. Дўхтирга мурожаат қилишга ҳожат ҳам бўлмаган. Экспертиза хулосасида эса жароҳат гемотома, яъни қон қуйилиши, деб ёзилган.

Иккинчи судланувчи Ў. Аманов эса ҳар қандай вазиятда ҳам тўлиқ оқланиши лозим эди. Негаки судга такрор-такрор "айбимга иқрорман, қилмишимдан пушаймонман" деб айтаётган бу йигитнинг ҳаракатида (Жўраев Илҳомга берилган экспертиза хулосаси қандайлигидан қатъий назар) жиноят таркиби йўқ. Жабрланувчидаги жароҳат (пешонасининг шилиниши) Б. Норқўзиев ҳаракатининг натижаси эканлиги судда рўй-рост исботланди.

Жиноят ишидаги ҳақиқий ҳолатни билмайдиганлар ҳукмдаги:



**"Судланувчилар: Норқўзиев Беҳзод ва Аманов Ўткирлар 2003 йил 3 феврал куни соат 1.30 ларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, ўзганинг мол-мулкини қасддан, жисмоний зўрлик ишлатиш йўли билан очиқдан-очиқ равишда талон-тарож қилиш ва моддий манфаатдор бўлиш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб, гуруҳ шахс бўлиб, Жиззах шаҳар "Иттифоқ" маҳалласи 50-уй олдида жабрланувчи Жўраев Илҳомнинг шу уйнинг 12-хонадонида яшовчи Мақсудова Карима билан ўзаро жанжаллашиб турганини кўриб, Жўраев Илҳомнинг мастлигидан фойдаланиб, мулкига эгалик қилиш мақсадида унга ўзларини "Милиция ходими бўламиз" деб таништириб, Мақсудовага Каримага: "Биз уни Жиззах шаҳар 1-сонли милиция бўлинмасига олиб борамиз", деб айтишиб, Жўраев Илҳомни "Иттифоқ" маҳалласи ҳудудидаги F. Fулом номли ўрта мактаб яқинига олиб бориб, уни уриб, соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, эгнидаги нархи 45000 сўмлик чарм курткасини ва шимининг чўнтагида бўлган 5800 сўм пулини очиқдан-очиқ равишда тортиб олишиб, судга оид тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, унга "Соғлиғининг бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати" етказишади, кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг содир этган жинояти милиция ходимлари томонидан фош этилиб, бир дона чарм куртка ва 5800 сўм пул далилий ашё сифатида олинади",** — деган гапларни ўқиса, жиноятчиларни жазолаган суддан миннатдор бўлишиб, суднинг ҳаққига дуолар қилиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бироқ воқеа ростдан ҳам шундай бўлганмиди? Келинг, фактларга мурожаат қилайлик. Тергов органи судланувчиларни "талончилик"ка нисбатан анча хавфли бўлган "босқинчилик" билан айблаб, ишни судга оширган эди. Башарти, ўша айблов судда тасдиқланса, уларнинг ҳар бирини 8 йилдан 10 йилгача жазо кутарди.

Суд терговининг бошида судланувчилар бир хил кўрсатма бердилар. Айтишларича, улар И. Жўраевни Карима опанинг илтимосига кўра ўзлари билан олиб кетмоқчи бўлган. Чунки И. Жўраев ўша пайтда ғирт маст ҳолда (буни судда жабрланувчи Илҳом Жўраев ҳам тасдиқлади) опа билан жанжаллашиб, опани беҳаё сўзлар билан сўкаётган ва ундан бир нарсани талаб қилаётган эди. Хуллас, бу икки талаба ўзларича тартиб ўрнатмоқчи бўлишади. Табиийки, бу ҳаракат И. Жўраевга малол келади ва ўртада жанжал чиқади.

Шунингдек, судланувчилар дастлабки терговда маст ҳолдаги И. Жўраевга Б. Норқўзиев куч ишлатганини, бунга И. Жўраевнинг ўзи сабабчи бўлганини, у Беҳзоднинг қўлига биринчи бўлиб тепганини, уни олиб кетишаётганларида куртказси Карима опада эканини айтганини, шунда Б.Норқўзиев қайтиб бориб, Карима опанинг уйидан Илҳомнинг курткасини олиб келганини айтди. Бу ҳолат ишни кўраётган суд томонидан ҳақиқатни аниқлаш учун чуқур текшириш ўтказишни тақозо этарди. Ў. Амановнинг бундай мазмундаги кўргазмасидан унинг ҳимоячиси(?!) очиқчасига безовталаниб: "Раньше признал себя виновным, теперь отказываешся, как это так?" деб одамлар олдида баралла айтиб юборди. Ҳимоячи ўз ҳимоясидаги Ў. Амановдан очиқчасига норози бўлиб, уни айбига иқрор бўлишга ундай бошлади (суд залида, одамларнинг кўз ўнгида). Суд раисига ҳам Ў. Амановнинг иқрорлик кўргазмаси керак эди шекилли, унинг ҳимоячиси фикрини қўллаб, суд мажлисига танаффус эълон қилди.

Эртасига суд мажлиси очилгач, ғалати воқеа юз берди. Судланувчи Ў. Аманов ҳўнграб йиғлаб судга мурожаат этди: "Мен айбимга иқрорман, қилмишимдан пушаймонман, ўқишимни тугатиб олай, гуноҳимни юваман, менга терговда ҳеч қандай куч ва тазйиқ ишлатилган эмас, менга енгиллик беринглар".

Ўз-ўзидан Ў. Амановнинг бу кўргазмаси иккинчи судланувчи Б. Норқўзиевнинг ҳимоясини янада қийинлаштирарди. Шу сабабли ҳам бизга (ҳимоямдаги Норқўзиев ва мен) Ў. Амановнинг бу кўргазмасини рад этишимиз зарур бўлиб қолди.

Шу сабабли мен судланувчи Ў. Амановга бир неча саволлар билан мурожаат қилдим. Чунки бу саволларнинг жавобидаги мантиқ унинг айбсизлигини исботлаб турарди.

**Савол:** Кеча судда, курткани Жўраев Илҳомдан эмас, Карима опадан олдик, курткaнинг чўнтагида пул борлигини милиция ходимлари курткани тинтув қилиб, ўша пулни топганини кўрдик, деб айтдингиз. Нега бугунги гапларингиз бошқачароқ...

**Жавоб:** Кеча ҳаяжонланиб хато айтганман.

**Савол:** Сизда Беҳзод билан бирга Илҳомнинг курткасини ва пулини тортиб олиш истаги бўлганми?

**Жавоб:** Бизда ундай мақсад умуман бўлмаган.

**Савол:** Сиз Илҳомнинг курткаси ва пулини тортиб олиш учун ҳаракат қилмаган бўлсангиз, нега судда: "Айбимга иқрорман, пушаймонман", деб йиғлаяпсиз?

**Жавоб:** Кечаси кўчада юрганим айбим-ку!

**Савол:** Сиз кечаси кўчада юриш ҳуқуқига эга эмасман, деб ҳисоблайсизми?

**Жавоб:** Кечаси кўчада юрмаслигим керак эди. Агар кечаси кўчада юрмаганимда, шу воқеа бўлмаган ва мен қамалмаган бўлардим.

**Савол:** Терговчи сизни қийнамаган бўлса, нима сабабдан 4 февралдан 5 февралга ўтар кечаси уйингизга бормай, терговчи Ф. Ўроловнинг хизмат хонасида тунаб қолдингиз?

**Жавоб:** Ўзим шу ерда қолишни хоҳладим.

Муҳтарам газетхон, судланувчининг ҳуқуқий онги қай даражада эканлигига эътибор беринг. Олийгоҳни аъло баҳоларга битираётган Ўткир Аманов: "Кечаси кўчада юрганим менинг айбим, агар мен кечаси кўчага чиқмаганимда, менга босқинчиликда айб қўйишмас эди", деб фикр юритмоқда. Аниқроғи, бошқалар томонидан қулоғига қуйилган шу "ҳуқуқий ғоя"ни тўғри деб қабул қиляпти. Ховосдаги тергов ҳибсхонасидан апелляция судига олиб келинган Б. Норқўзиев бор гапни тўкиб солди: "Бизнинг ўша кунги ҳамма ҳаракатларимиз Карима опанинг бизга қилган илтимосини бажаришга қаратилган эди. Биз фуқаролик бурчимизни бажараётган эдик. Менинг шеригим кимларнингдир ўзига енгил жазо тайинлаш ҳақидаги ваъдаси учун ёлғон гапиряпти, деб ўйлайман.

Мен ўша куни анча жойдан орқага қайтиб (Илҳомдан унинг куртказси Карима опада эканлигини эшитиб), И. Жўраевнинг курткасини Карима опадан сўрадим. Карима опа Илҳомни қарғаб-қарғаб, уйига кириб, куркани олиб чиқиб берди. Бу воқеани Карима опанинг ҳовлисидаги сариқ кўйлакли қиз ва қорни катта, мўйловли, семиз эркак киши ҳам кўриб турди. Кейин тушунишимча, Жўраев Илҳом жанжал қилавергани учун уни олиб кетсин деб, Карима опа биз келишимиздан олдин милиция чақиртирган бўлса керак.

Етиб келган милиция ходимларидан бири Илҳомнинг таниши экан, шу сабабли Илҳом уларга: "Мени уриб, курткамни олиб қўйишди" деб бизни кўрсатади. (Аслида урганимиз ҳам, курткасини унга бермаётганимиз ҳам рост, бироқ куртка учун урмаганмиз, курткани эса вақтинча ушлаб турибмиз).

Бахтиёр ака деган участка нозири бизни 13 соат вақт давомида ҳеч бир асоссиз ушлаб турди ва бу вақт мобайнида турли қийноқлар билан: "И. Жўраевнинг курткаси ва пулини тортиб олдик" мазмунидаги иқрорлик кўргазмаларимизни мажбурлаб ёздириб олди. Шундан кейин бизни "Олмазор"даги мелисахонага олиб келиб, терговчи Ф. Ўроловга топширди. Бу ерда ҳам турли тазйиқлар билан "айбимга иқрор" бўлдим. Ҳамма гапимни исботлаб бераман, менга шуларни исботлашимга ёрдам беринглар", деди апелляция судига.

Маҳкум Б. Норқўзиев апелляция судига баёнот бераётганида судьялар безовта бўлишиб, унинг гапларини эшитишни истамаётганларини рўй-рост сездириб қўйишди.

Сўз навбати Ў. Амановга етганда, судьялар бирдан жонланди. Унинг сўзларини жон қулоқлари билан қимирламай тингладилар. Очиқдаги маҳкум ўзини ва ҳибсдаги шериги Б. Норқўзиевни жиноят (талончилик) қилганликда айблай бошлади.

Ў. Амановнинг бундай тарзда ёлғон кўргазма бериши табиий эди. Чунки у айнан шундай кўргазмаси учун очиқликка чиқарилган эди-да. Яна бир гап. Асли Ў. Аманов апелляция судида шундай кўргазма берадиган аҳволга солиб қўйилган эди. Чунки Ў. Аманов ўз сўзидан қайтмай, ўзини ва шериги Б. Норқўзиевни талончиликда айблаб кўргазма беришини таъминлаш учун Жиззах шаҳар прокурори Б. Усмонов суд ҳукми юзасидан протест келтирган, протестда ҳукм бекор қилиниши маҳкумлар қилмиши талончилик эмас, балки яна оғирроқ "босқинчилик" деб малакаланиш кераклигини кўрсатганди. Агар бу протест жиддий бўлса, Ў. Аманов яна қамоққа олиниши ҳам мумкин эди. Шу сабабли Ў. Аманов ҳукм ўзгаришсиз қоладиган кўргазма беришга мажбур ҳолатда эди-да.

Шаҳар прокурори "дело синмасин" деб, қолаверса, "Маҳкум Ў. Аманов кўргазмасини ўзгартирмасин" деб ёлғондан протест ёзгани апелляция судида очилиб қолди.

Апелляция суди мажлиси бошида протестни қўллайман, бу қилмиш "босқинчилик" бўлади деб турган давлат айбловчиси Ў. Аманов ўзини ва шериги Б. Норқўзиевни талончиликда айблаб, прокурорни қониқтирадиган кўргазма бериб бўлганидан кейин, прокуратуранинг "бланка"сига олдиндан ёзиб келинган, шаҳар прокурори Б. Усмоновнинг протестини қайтариб олиш ҳақидаги хатини апелляция судига топширди (Бу жуда ғалати спектаклнинг бир кўриниши эди).

Дарҳақиқат, ҳуқуқшуносларнинг Жиззахда бўлиб ўтган "Суднинг мустақиллиги ва таъсирчанлиги" мавзусидаги давра суҳбатида (АҚШ ва Германия юристларидан ҳам вакил қатнашган) жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Б. Норхўжаев: "Америка ҳам демократия ва одил судга 200 йил давомида эришган экан, бизнинг судларимизда ҳали камчиликлар бўлиши табиий", — деб айтдилар.

200 йилгача ҳали анча бор, деб хатоларимизни оқлаб, ўзимизга таскин берадиган бўлсак, ҳали бошимизда кўп калтаклар синиши муқаррар.

**Ғиёс НОМОЗОВ,**
**Шайхонтаҳур туман ҳуқуқ маслаҳатхонаси адвокати**

Миш-миш

Сафар ота сартарошхонадаги тўрт-беш тенгқурларини "свежи" ахборотдан воқиф қилди.

Кечагина катта ишончлару гулдурос қарсаклар остида тайинланган туман ҳокими устидан халқ томонидан маҳкама ва тегишли идораларга юборилаётган норозилик хату хабарларининг, арзу шикоятларнинг кети узилмаяпти. Курсига ўтирганига ҳали уч йил тўлмасданоқ, наҳотки, ҳокимнинг паймонасию туман аҳлининг сабр косаси тўлди. Аксарият шикоятларнинг қисқача мазмуни "Ҳоким халққа қайишмайди. Нуқул ўз нафсига эрк бериб, хўжаликлар мол-мулкини талон-тарож қилди. Билимдон, тажрибали раҳбарларни ишдан бўшатиб, атрофига хушомадгўй, амалпарастларни йиғиб олганлиги" хусусида баён этилганмиш... Ҳақиқатдан ҳам шундай шекилли, у вазифасидан озод этилди. Шу ҳам обрў бўлдими?

# БАЛИҚ БОШДАН...



— Гердайиш бойваччага, гадойлик лўлига ярашади, Сафарбой. Бу ҳокимингиз узоққа кетмаслигини мен олдиндан билардим. Ёдингиздами? Депутатликка овоз бермагани учун Бекпўлат сартарошнинг дўконини солиқчилар орқали беркитганди. Шўрлик етти фарзанд, тўрт неварани ўша дўкондан қилдир-пилдир қилиб амаллаб турганди. Иложсизликдан ёлланма иш билан анча вақт шуғулланиб қолди. Ўзи савобгир сартарош бўлса, косибу ҳунармандга зуғум қилган раҳбарнинг охирати дўзах. Мана, унга боққан бало бор экан, — деди Тўра холдор.

— Эрта бўладигани нима каромат кўрсатарди. Ҳокимларни кўриб-кўриб бошга оқ, юзга ажин тушди. Давлатнинг хизмат машинасию мартабаси қутуртиради, қирқ минг "зелёнка"ни яратгандан сўнг харажатни қоплашга ҳаракат қилади-да!

— "Зелёнка"га бало борми, Сафарбой. Ахир, Мишанинг аптикида милёнта бор-ку!

— Тушунмадингиз, Тўрақул. Долларни айтяпман, долларни...

— У қанча бўлади, — Тўра холдор бошини қаширкан:

— Курси бир минг икки юздан бўлса, "груби" эллик лимонга яқин, — сартарош суҳбатга қўшилди.

— Курси қурисин, сал қолди қулоғимни яримта қилардинг, кўзингга қара, — эътироз билдирди соқол олдираётган Усмат "кагор" (ёшлигида винони кўп ичганлиги учун уни Усмат кагор деб аташади).

— Наҳотки? — ҳайратомуз бош кўтарди Тўра холдор.

— Ҳа, — маъқуллади Сафар ота бошини тасдиқ маъносида қимирлатиб. — Сиз билан биз бўлсак, пинсани уч ойдан буён ололмай юрибмиз.

— Зерикманг, доллар тушди, ҳоким кетди. Энди вақтида оласиз, — яна қўшилди сартарош.

— Пенса келяпти. Давлатнинг қоғози кўп. Бироқ... Яқин бир танишимнинг ўғли банкага ишлайди. Ўша ҳамсоямиз Сирож Жаллобга бир милён сўм ўн фоиз билан прасанга берибди. Фақат тез қайтаринг, бу пенсачиларни пули, гапга қолмай, дермиш... Ёвузлик шу даражага етдими, Сафарбой?! Сигирни туғдириб, сутини ичиб бузоғини сақлайдиган судхўрни уйини айтинг?

— Тўра ака. Бу киши сизга уйини айтган билан "беспалезна". Ундан катталар ҳам хабардор. Бонкани пулини чиқариш бир-икки кишининг иши эмас, — Усмат кагор далда берди.

— Йўқ. Мен мелисага бораман, — Тўрақул холдор зарб билан ўрнидан турди. — Кеча дафнга саксон минг сўраб қишлоқнинг саксон эшигини тақиллатдим. Яхшиям, шу қишлоқ пешонасига барака топгур Амирқул бор экан. Бўлмаса, ҳолим не кечарди.

— Нуқул мелиса, мелиса дейсиз. Қишлоқдан қанча қўйқўзи, сигир улоқ кетди. Бирортаси ҳам изга қайтган эмас, — Сафар ота бош чайқади.

Хуллас, шунақа гаплар. Қарияларнинг сартарошхонадаги бу "ҳангома"лари ким учундир ғийбат, кимгадир бекорчиликдан ҳақиқий ҳангома. Бироқ кимдир не чандон ҳақлигига юз фоиз ишонч ҳосил қилади. Ҳозирча бу бизга "мавҳум". Аниқроғи, шамол бўлмаса, дарахт шохи қимирламайди-ку! Демоқчи бўлганимиз хулосани ўзингиз чиқаринг. Зероки, "қари билганни пари билмас". Берисидан нариси яқин чоллар тумандаги амалпарастлардан норози.

**Шавкат НОСИРОВ,**
**Шофиркон тумани**

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Маърифат

**ТАРЖИМОНДАН:** *Кишининг табиатида мавжуд бўлган инкор туйғуси кўп ҳолда уни шубҳага солади. Шубҳалар чандон ортаверса, инсонни гумонга олиб келади. Гумон эса иймондан айиради. Бу борада руҳиятни софлайдиган эзгу ва руҳпарвар суҳбатлар даркор. Инсоният тарихи давомида китобдан улуғ суҳбатдош — тарбиячи бўлмагандир.*

*Ҳозирги замон китобхонлар сафи торайиб боргани билан китоб ва унинг маърифатига эҳтиёж камайгани йўқ. Фақат китобхонлар танланиб қолмоқда ва ўз навбатида китоб ҳам танлаб ўқилмоқда. Болалар учун чиқарилган, чиқарилаётган китоблар эса кўплаб даҳоларнинг етишиб чиқиши учун асос омиллардан бўлганлиги аён. Қуйидаги ҳикоячалар ҳам айнан болалар учун мўлжалланган "Ўқитувчининг ён дафтари" номли туркумга мансуб 4-китобдан таржима қилинди. Ваҳбий Ваққос ўғлининг бу китоби кўп бора нашр этилган. Содда, ҳаётий воқеалар, болаларбоп илмий мунозаралар ва, албатта, ўзига хос бадиият билан йўғрилган бу китоб катталарни ҳам бефарқ қолдирмайди. Бундаги ҳикоялар... Биз уларни "ҳикоя" демоқдамиз. Аслида муаллиф уларни ҳикоя демайди, фақат мавзуларга кўра баён қилади.*

*Мантиқий фикр ва ибратга ундайдиган бу жажжи асарлар таржимасини биз катталар учун фойдали бўлар, деган умидда азиз "Ҳуррият" мухлисларига тақдим этишни муносиб, деб билдик.*

# УЧ ҲИКОЯ

### 1. БОРЛИҒИ ДАЛИЛ

Балиқча она балиқдан сўрармиш:

— Онажон, сув деган бир нарса ҳақида баҳс юритмоқдалар. Бу сув ўзи нима, менга ҳам кўрсатинг...

Она балиқ дебдики:

— Болагинам, сен менга сувдан бошқа нарсани кўрсатгинки, мен ҳам сенга сувни кўрсатайин...

Бу жавоб кўп ибратлидир...

Худди шунингдек, жуда чегарали ва нуқсонли бу дунё кўзи ила Аллоҳни кўра олмаймиз. Аммо Унинг яратганлари ва борлигиға далил қилган миллионларча борлиқларни кўриб, Унинг борлигини аниқ-равшан англаймиз. Акс ҳолда, бутун мавжудот улкан бир маъносизлик ва кераксизлик гирдобиға тушади. Ионончсизликни сўзлаётганларга эса она балиқ мантиғи ила шундай дейиш мумкин:

— Сиз Аллоҳнинг борлиғидан ўзга бирор нарса кўрсатингки, биз ҳам сизга Уни кўрсатайлик. Унинг борлиғи ҳар нарсани буткул қоплаган. Ҳар борлиқ Унинг борлигига бир далил ва ишоратдир. Бутун оламда Унинг сифоти — тажаллийси бор. Ҳар гўзалда Унинг гўзаллигининг акси нурланмоқда. Миямиздаги мавжуд бўлган қизиқиш билан Уни қидирамиз, насиб этган ақли билан эса борлиғининг далилларини англаб қалбимизга жойланган сўнгсиз ишқ ила Уни ҳар нарсадан кўпроқ ва ортиқроқ севамиз.

### 2. ҚАЛБДАГИ УМИД

Тарихда ишончсиз бир жамият бўлмаган. Фақат ишончсиз инсонлар ҳар замон топилади. Табиатдаги айрим сабаблар туфайли унга ҳоким Яратгувчининг борлигини қабул этмаган, мавжудотни ҳам кўр ва сағир тасодифлар яратган дея даъво қилувчилар билан ҳазрати Али (р.а.) набираларидан имом Жаъфар ораларида бўлиб ўтган бир мунозара, психологик нуқтаи назардан Аллоҳнинг борлигини исбот этиб турибди. Имом Жаъфар Ислом динининг буюк олимларидан. У Аллоҳга ишонмаганларга айтарки:

— Сиз ҳеч кемага чиққанмисиз?

— Ҳа, чиққанмиз, — дедилар улар.

— Тўлқинларнинг кучли мавжланиши сабабли, кеманинг парчаланишига шоҳид бўлганмисиз? — дея сўрадилар имом.

— Ҳа, — жавоб бердилар ишончсизлар ва уларнинг ичидан бири шундай давом этди:

— Шамолли кунларнинг бирида кемага чиққандим. Шиддатли бўрон бошланди ва охир-оқибат кемамиз қояларга урилиб, парчаланди. Ичидаги йўловчилар эса денгизга улоқдилар. Мен ҳам бир ёғоч парчасига илашиб олдим. Кейин бир тўлқин келди-ю, бу ёғочни ҳам қўлимдан юлқиб кетди. Мен пишқирган денгиз қаърига чўка бошлагандим...

Имом Жаъфар унинг гапини шу жойда бўлиб:

— Аввало, кема ва унинг ичидаги йўловчилар сенга жасорат берарди. Уларни сув ютгач, қўлингга тушган ёғоч парчасига умид боғладинг. Яхши, шу тахта бўлагини ҳам қўлдан чиқаргач, нима қилдинг? Энди умидингни узиб, ўзингни сув измига топширдингми? Ёки ҳали ҳам қутулиб қоламан, деган бир умидинг бормиди?

— Омон қолишга ҳеч қандай ишора бўлмаса ҳам, нимадир халос бўлишимга ундар ва илинж билан тўхтовсиз ҳаракат қилардим, — жавоб берди ишончсиз одам.

— Қутила олишингга ҳеч қандай аломат йўқ экан, халос бўлишга ишонардинг ҳам дейлик. Яхши, унда айт-чи, шунчалик имконсиз бўлганинг ҳолда кимнинг қутқара олишини хаёлингга келтирдинг? — сўради имом.

Ишончсиз одам ўйлана бошлади. Унинг жим қолганини кўрган имом Жаъфар ҳазратлари давом этдиларки:

— Ҳар турли сабабнинг йўқлиги бошланган пайтда сенинг умидингни узмаган нима, биласанми?

— Билмадим, бу ҳақда ўйлаб кўрганим йўқ, — жавоб берди ўша киши.

Ҳазрати Имом эса шундай хотима ясадилар:

— Шу тариқа омонлик ҳақидаги бутун илинжларинг битган жойда сени янада мужодала сари ундаган ва халос бўлишдан умидингни уздирмаган АЛЛОҲдир. Ҳар не қадар омонликка эришсанг ва халос бўлганингдан сўнгра тилинг Уни инкор этса-да, илożсиз онингда қалбинг Уни тасдиқ этаверади!...

### 3. КЎРИНСА, ИШОНАСАНМИ?!

Бир киши қишлоқ имомининг ёнига келиб, Аллоҳнинг борлиғини тушунтириб беришини сўрабди. Имом ҳам баъзи мисоллар билан унга Яратгувчининг борлигини очиқлаб берибди. Бирмунча фурсат ўтгач, ўша одам яна келибди-да, шу мавзудан сўз очибди. Имом ҳам янгидан борича тушунтириб берибди. У киши ташаккур изҳор этиб кетибди-ю, аммо бир неча муддат сўнгра қайтиб келиб, айнан ўша саволларни такроран сўрай бошлабди. Имом бу вақт, ўз даласида деҳқончилик билан банд эди. Энди бу одам мени масхара қиляпти, гумонида бир бўлак қаттиқ кесак билан бошига солибди. У эса дарҳол югуриб қозига борибди-да:

— Қози жаноблари, қишлоғимиз имоми саволимга жавоб ўрнига бошимга кесак билан урди. Бошим ёрилишига сал қолди... Арзимни кўришингизни сўрайман.

Қози бу ишга ҳам ажабланиб, ҳам аччиқланибди. Сабаби, у имомни яқиндан танир ва хуштабиат киши эканлигини билар экан. Имомни чақиртирибди ва қизиқсиниб сўрабдики:

— Муҳтарам имом, бу кишининг саволига қандай жавоб бердингиз? Сиздан Аллоҳнинг борлигини очиқлаб беришни истаб келган одамни ҳам кесак билан урасизми?

Имом ғоят вазмин оҳангда дебди:

— Жанобим, мен бу одамнинг саволига ўзи тушунадиган тилда жавоб бердим.

— Қандай ахир?

— Менга икки марта келди, Аллоҳнинг борлигини англатмоғимни сўради. Мен ҳам тилимнинг айлангани қадар тушунтирдим. Мисоллар келтирдим. Фақат учинчи марта ҳам айнан шу савол билан келганида бошқача жавоб бериш кераклигини тушундим. Энди мендан нима учун даъвогар бўлмоқда, билмай қолдим.

Қози "кесак еган" одамга юзланиб:

— Шикоятингни айт, кўрайлик, — деди. У одам шунда жавоб берибди:

— Қози жаноблари, учинчи боришимда имом менга жавоб бермади. Бошимга тош каби қаттиқ кесак билан урди, энди бошим оғримоқда. Менга шунча азият етказиб, оғриқларга ошно этган одамдан шикоят этмоққа ҳаққим борми, йўқми?

Қози имомдан сўрабди:

— Бунга қарши нима дейсиз? Аллоҳнинг борлигини бошқача англатганингиз шуми?

Имом:

— Ҳурматли қози калон, у бизга ўз азиятларини, айтаётган оғриқларини кўрсатсин-чи? — дебди. Шикоятчи одам янада ғазабланиб, имом сари ўдағайлаб, айтибдики:

— Жаноби қози, бу не демоқчи ўзи? Тортган азоб, оғриқ, санчиқларимни қандай қилиб сизларга кўрсатаман? "Буларни кўрсата олмайди" деб, даъволарни йўққа чиқариб юбормассиз...

Унинг шу гапи устига имом айтибдики:

— Ҳа, ана энди ўзингга келдинг. Мен ҳам шуни англатмоқчи эдим. Яъни, кўринмаяпти-ю деб, Аллоҳ йўқ экан деган хулосага бормаслик керак. Уни кўз билан кўрмасанг ҳам, ич-ичингдан тани, қалб ила ҳис эт. Яратилмишларга қараб Яратгувчисини англагайсан! Кўргинки, бошингдаги оғриқларни бизга кўрсата олмаяпсан, аммо мен жонинг оғриганини тушуниб турибман.

Қози ҳам имомнинг ҳазилу чин фикрини табассум билан тинглаб, уларни яраштириб юборибди.

**Отабек РУСТАМБЕК ўғли таржимаси**

Кино

# АФАНДИЛИК ҲАММАМИЗДА БОР

Насриддин Афанди кўчада иш қилаётса, маҳалланинг болалари атрофига йиғилволиб, унга ҳадеб халақит бераверишибди. Безор бўлган Афанди: "Ҳув кўчанинг бошида бир киши ҳаммага бепул ёнғоқ тарқатаяпти, сизлар ҳам бориб олинглар", деб алдабди. Болалар ёнғоқдан қуруқ қолаётгандек, дув этиб югуриб кетишибди. Атрофида ҳеч ким қолмаганини кўрган Афанди: "Айтган гапим рост шекилли", деб, ўзи ҳам уларнинг орқасидан чопиб кетган экан.

Ўзи Ургутга борадиган йўлни яхши билардим. Шунга қарамай, Самарқанддан ўтиб, ҳалқа йўли бўйлаб иккинчи айлана ҳаракатга етганимизда шеригим "Анави четда турган кишидан йўлни сўраб олайлик", деб туриб олди. Тўғри кетаётган бўлишимга қарамай, шеригимнинг сазаси ўлмасин деб, машинани ҳалиги одамнинг олдига тўхтатдим. Ширакайф киши "Ургутга-ми-и, чапга кетаси-из", деди. Маст одамнинг гапига кириб, рулни чапга бурдим. 20 километрча юрганимиздан кейин ДАН постига етиб келиб, улардан "Ургутлик афандилар" кинокомедияси продюссери яшайдиган қишлоқни сўрагандик, "Айланиб, бутунлай бошқа томонга кетиб қолибсизлар, у ерга ҳали 40 километрча бор", деди.

Қирқ километр йўл юриб, ярим кечаси тоғ йўлидаги постда турган кишилардан манзилни сўрадик. Улардан бири "Тўғрига қараб 5-6 километрча кетаверинглар, ўша ёқларда бўлса керак", деди. Мен энди машинанинг газига босгандим, ёнида турган киши "Тўхтанг, вагонда ухлаётган фалончи аниғини билса керак", деб вагон ойнасини чертди. Уйқуси қаттиқ экан шекилли, анча вақт тақиллатишга тўғри келди. Ахийри, ичкаридан чиққан киши "Ҳа, ҳалиги "Ҳандалак"чилар олаётган кинонинг продюссерими, 2-3 км орқага қайтасизлар", деб йўлнинг аниғини кўрсатди...

Кичкина сўқмоқ йўлдан ичкарига анча кириб бориб, йўл четида ўтирган икки кишига кўзимиз тушди. Улардан Дилмуроднинг уйини сўрагандим, "Шу ерда битта Дилмурод туради" деб тушунтиришни бошлаганди, шеригим: "Мен уйини яхши биламан, тўғрига юраверинг", деди. Бояги одамлар билан гапни чала қилганча, яна юқорига анча юриб, тунги салқинда ишлаётган кишиларга дуч келдик. Улардан манзилни сўрасак, "Ўтиб кетибсизлар, пастга қайтасизлар", дейишди. Дилмуроднинг уйи бояги икки киши ўтирган жойдан 20 метрча нарида эканлигига нима дейсиз! Афандилик анча-мунчамизда бор экан-да!..

Йўл сўраб адашган битта биз эмаслигимизга хурсанд бўлдик. "Ургутлик афандилар"даги ролларидан бирини ижро этаётган Жумадулла Раметов билан келаётган актёрлар ҳам худди бизнинг аҳволимизга тушишибди. Бир ёш бола улардан: "Нимани қидиряпсизлар", деб сўраса, "Ёш бола нимани биларди", деб ўтиб кетаверишибди. А-а-анча айланиб, ахийри ҳалиги боланинг олдидан чиқиб қолишибди. Болапақир машинага ўтириб, уларни кино гуруҳи турган жойга олиб бориб қўйибди. Афандилик артистларда ҳам бор экан-да!..

Бўйнига шарф боғлаб, кўрпа-тўшакка ўраниб олган бош рол ижрочиси Ортиқ Султонов билан суҳбатимиз "каравот устида" бўлиб ўтди. Машҳур санъаткоримиз айтишича, ўзи ургутлик бўлишига қарамай, тоғ ҳавоси соғлиғига унчалик тўғри келмасдан, аллергия бўлиб қоларкан. Ортиқ акамиз оғзидаги носни туфлаб ташлаб, ётган жойида ҳикоясини бошлади:



— "Ургутлик афандилар" комедияси ёзувчи Анвар Обиджоннинг "Серкахоним" ва "Седанатут" асарлари асосида яратилмоқда. Қисқача айтганда, фильм афандимижоз кишилар ҳақида. Кинони тасвирга тушириш кўрсатув тайёрлашдан тубдан фарқ қилишига амин бўлдим. "Ҳандалак"ни биз бир неча киши яратамиз. Кинода эса ҳар кимнинг ўз вазифаси бор экан, қолаверса, режиссёрга жуда кўп нарса боғлиқ бўларкан. Биз режиссёримиз Нуриддин акадан жуда миннатдормиз, чунки ҳеч эринмасдан бизга фильм устида ишлашни ўргатаяптилар. Актёрлар ҳам режиссёримиз тавсиясига кўра танланди. Ижодий гуруҳга жуда яхши шарт-шароитлар яратиб берган продюссеримиз Дилмурод Қўшоқовга миннатдорчилик билдираман.

***— Фильмда яна кимлар рол ижро этишаяпти?***

— Зокир Очилдиев иккаламиз Самарқанд вилоят театрида етти йил ишлаганмиз. Собиқ ҳамкасбларимиздан бир қанчасини таклиф қилдик. Кўпчиликка таниш бўлган Саида Раметова, Раъно Ярашева эса фильмда бизнинг "оиламиз" ролини ижро этишмоқда. Аминқул Қурбонов, Баҳром Раҳимов, Тошпўлат Очилтошев, Бахтиёр Раҳимов, Нигора Тожиддинова, Замира Омоновалар яратаётган образлар томошабинларга маъқул бўлишига ишонаман.

***— Икки кундан бери Зокир кўринмайди?***

— Бошқа саҳна кўринишлари тасвирга туширилаётгани учун ҳозир фурсатдан фойдаланиб дам олаяпти. Биласиз, ишларимз жуда кўп, ҳатто бош қашлашга қўл тегмайди.

***— Фильм намойишидан кейин бундан-да машҳур бўлиб кетиб, ишлар янада кўпайиб кетишидан қўрқмайсизми?***

— Одамзод шукр қилмас эканда *(кулади)*. Баъзан 40-50 ёшли устоз санъаткорларимиз: "Биз энди кексайиб қолдик, энди ўрнимизни ёшларга бўшатиб берсак", дейишади. Ҳолбуки, ёши ўтган сайин санъаткор янада чархланиб, ўткирлашиб бораверади.

***— Маҳаллий халқ фильм яратувчиларга ёрдам бераяптими?***

— Жуда! Битта хонадонда 4 кун эчки билан тасвирга тушириш олиб борилди. Эчки шаталоқ отиб қочиб кетади, хонадон эгасининг экинлари пайҳон бўлиб кетди, у эса ҳовлисида кино олинаётганидан хурсанд! Афандилик маҳаллий кишиларга ҳам хос нарса-да!..

Фильм тасвирчиси Хушнуд Ғаниев айтишича, айниқса, эчки билан боғлиқ эпизодни суратга олиш жуда қийин кечибди. Эчкини бир амаллаб тинчлантириб, кадрга олиб киришаркан-у, "мотор" деган овоз янграши билан эчки шаталоқ отишни бошларкан... Эҳ, афандимижоз эчки, ахир кинога тушиб, сунъий яратилган қўзичоқ Долли каби балки бутун дунёга машҳур бўлишингни наҳотки англамаётган бўлсанг!?

*Суҳбатни режиссёр Нуриддин Қосимов билан давом эттираман:*

— "Серкахоним" ҳикояси асосида фильм яратиш орзуси 1997 йилдан бери хаёлимни чулғаб олганди. Муаллифга: "Ҳикояни саҳналаштиришга бошқа ҳеч кимга розилик берманг", деб айтиб қўйгандим. Ниҳоят, бу йил ҳомийлар топилиб, кино устидаги ишларни бошлаб юбордик. Тасвирга тушириш 21 июлда тугатилади. Худо хоҳласа, сентябр ойининг биринчи ярмида фильм тайёр бўлади.

Ўзи, фильмни суратга олиш жараёнида ҳам қизиқ воқеалар бўлиб турибди. Суратга олиш пайтида ҳамма ўзига яхши жой танлаб оладиди-да, менинг мониторимни қўйгани тиканли жой қолади. Инсоннинг табиати қизиқ экан. Бугун монтёр иштирокидаги эпизодни тасвирга туширишимиз керак эди. Унга қир устидаги симёғочга чиқишини тушунтирувдим, "Хўп, тушундим", деди. Ҳаммамиз аппаратураларни кўтариб, ҳарсиллаб қирга чиқдик. Энди съёмкани бошлаймиз десам, монтёр: "Менга бир метр сим керак, ўзимники пастда қолиб кетибди", дейди.

Афандилик монтёрларда ҳам бор экан-да...

Фильмда хоразмлик бир неча қизиқчи ҳам қатнашмоқда. Отабек Ниёзматов билан ҳашак ташиш саҳнаси тасвирга туширилаётганди. Тепакал Отабек ҳансираганча ҳашакларни у ёқдан бу ёққа ташлайди. Учта дубль суратга олингандан кейин режиссёрнинг хаёлига бир фикр келиб қолди. "Иссиқда ишлаётган кишилар юзларига тер оқиб тушмаслиги учун пешонасига дурра боғлаб олишади, Отабекка дурра топиб келинглар, ҳаммасини бошқатдан тасвирга туширамиз", деди. Афандилик режиссёрларда ҳам бор экан-да...

Отабек қизиқчи дурра билан пешонасини боғлаш ўрнига, уни дўппига ўхшатиб кийиб, кал бошини беркитиб олди... Ортиқ Султонов эса касал бўлишига қарамай, "қаҳрамонлик намуналари" кўрсатиб, яна тасвирга тушириш ишларига қатнашиб кетди.

Хуллас, ана шунақа. Худо хоҳласа, "Ургутлик афандилар" халқни мириқиб кулдираган ажойиб фильм бўлади...

Айтганча, мақоланинг бошида фильмга мос тушадиган бошқа бир латифа ёзилиши керак эди. Бироқ ўша латифа эсимдан чиқиб қолди. Материал янгилигидаёқ таҳририятга етказиб берай деб, ортиқча ўйлаб ўтирмадим.

Нима ҳам дердик, афандилик журналистларда ҳам бор экан-да...

**Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ**
**Ургут — Тошкент**

Воқеа

# "АПИРИС" ЗЎР БЎЛСА, НИМА ҚИЛАМИЗ, ХОТИН?"

Хотин опасиникидан чимирилиб қайтгач, бир халта пулни қўлимга тутқазди. Энсам қотиб сўрадим:

— Нима гап?

У зорланишга ўтди:

— Юраверинг "нима гап"лаб. Қачон сиз ҳам пулни пулга уриштириб, даромад қилишни ўрганасиз? Ижараям ўлсин. Вой, мен чидамайман бунақа "ит ётиш, мирза туриш"га. Қачон уйли бўламиз? Ҳеч ўйлайсизми ўзи?!

— Ўйламасам пул йиғаманми? — жаҳлим қўзиди. — "Сабр қилган етар муродга", дейишади-ку.

— Кутишнинг ҳам охири бордир, — хотиннинг жағи ёмон очилди. — Тоқатим тоқ бўлди. Яхшиямки, шу ёмон опам бор. Борсам, маслаҳатини аямайди.

— Хўш?!

— Хўш-хўшламай оборинг анови савилни. Тезроқ доллар қилинг. Пулимиз ихчамлашибгина қолмай, "курси" ошса, "туғар"миш.

— Шунга шунча ваҳимами?! — баланддан келдим. — Ўзимам билардим. Таниш долларчилар ҳам йўқ эмас.

— Жа...а яхши-да, — бироз юмшагандай бўлди хотин. — Чопинг ўша танишларингизга. Фақат эҳтиёт бўлинг. Уларниям "апирис"лари бўлармиш. Лаққа тушиб пулдан айрилиб қолманг тағин. Битталаб сананг эринмай.

Ўзимни тутолмадим:

— Ўргатма!!! Шуни эпламасам нима қилиб юрибман Қўйлиқ бозорида пистафурушлик қилиб?!

Эр-хотиннинг бир йиллик қора меҳнати маҳсули — халта тўла пулни яшириб турган тўнимга ёнбошлатиб керакли манзилга борганимдан биттаси ҳид олган този итдай "окахон"лаб йўлимни тўсди.

— "Кўкидан борми?!" — урушқоқ хўроздек кўзидан кўз узмай сўрарканман, хаёлимдан "Апирисликни ўргатиб қўяман сенга" деган фикр чақмоқдай ўтди.

У бошмолдоғини кўрсаткичига ишқалади:

— Қанча?

— 650 минг, — дедим "ғоз"ланиб. — Айтиб қўяй: битталаб санайман.

— Гап йўқ, — долларчи ўғри ҳаккадек тўрт тарафга бўйин чўзаркан товушига илиқлик берди. — "Кўки"ку сўртавой. Шу битта "но"си бор-да.

— Хўш? — дедим қовоғимни уюб. — Қанақа "но"си?!

— Бозор кўрганга ўхшайсиз, окахон, — деди у қўлини кўксига қўйиб. — Ишимиз сағал қалтисроқ. Ноқонунийроқда.

— Менга нима? — баланддан келдим яна. — Пулим ҳаппа-ҳалол. Писта қоплаб орқалайвериб елка қаварган. Бир сўмлаб йиққанман буни.

— Окахон, сизга гап йўқ, — деди долларчи жилпанглаб. — Менга қийин. Кўргилик қилмасин, қўлга тушсам борми?!

Дилимдаги "апиристлигинг менга ўтмайди"ни тилимга чиқармай сўрадим:

— Нима қиламиз?

— Окахон, — деди у беозор. — Менга ишонмасангиз, анаву ёққа қаранг. Кўрдингизми? "Пагон"ликни?

— Мелисани айтяпсанми? — саволига савол билан жавоб бердим.

— Худди ўшани, — деди у хўрлангандай. — Қадамимни пойлайди. Бировнинг ҳожатини чиқаришга қўймайди ҳеч.

— Унақа бўлса, четга чиқайлик. Панароқ жойда бемалол ҳисоб-китоб қилган яхши-да.

— Гапингиз маъқул-куя, — деди у ялинчоқ оҳангда, — лекин ўша пананиям қўйишмайди-да булар.

Асабим қитиқланди:

— Ҳей бола! Тайининг борми ўзи? Боятдан буён ундоқ десам, бундоқ дейсан, бундай десам, ундоқ. Алмаштирсанг алмаштир-да!

— Жон окахон, секинроқ, — деди долларчи бўйнини қисиб. — Алмаштирамиз. Мана буни ушланг.

— Санайман, — дедим паст келмай. — Қанча бу ерда?

Долларчи милиционер тарафга бир-икки қараб олгач, мақсадга кўчди:

— Окахон, мен сизга бошидаёқ тан берганман. Ишонмасам, ҳали пулингизни санамай нақд икки минг долларни берарманми? Қани сизники?

Тўним ёнбошидан пул тўла халтани чиқарарканман, хаёлимдан: "Нима қилмоқчи бу тирранча?" деган сўроқ ўтди.

— Энди бундай, — деди долларчи милиционердан кўзини узмай. — Мана кўрасиз, ҳозир анови бизни ушлайди.

— Ростдан ҳам милиционернинг феъли айниб келаяпти.

— Қочдик! — доллорчи буйруқ баробар ҳаракатланар экан, кўрсаткич бармоғини ишга солди. — Мен бу ёққа, сиз у ёққа. Изқуварнинг бир боши қотсин. Учрашув ҳув анови бекат!

Паст келмадим. Биринчи бўлиб халтамни селкиллатганча у қочди. Кейин ўзим. Йўрғага ўргатилган отдай илдамлаганим сайин қўлимдаги бир тахлам доллорнинг тафти миямга сўровли урила бошлади:

— Икки минг "кўк"и қаёқда-ю, 650 минг сўмим қаёқда? Ўпкаси йўқми, дейман бу боланинг? Ё тўқсон тўққизмикан? Остонопкада учрашамиз? Қўлимда шунча дунё билан пишириб қўйибдими остонопкангда? Сан "апирис" бўлсанг манам, "апирис".

Қочиш марказидан узилиб бир жойга етганимда чарчоқни туйиб, қадамимни майдаладим. Терлаган кафтимни ёзарканман, тахламли доллар кўзимга сал ғалатироқ туюлди. Тепасидаги битта юзталикни олдим. Тозага ўхшамайди. Шошиб қатламни буздим. Вой, аблаҳ, вой, апирис?! Бари ишлов берилган шилдироқ қоғоз. Айб иш қилган болалай ёмон бўшашдим. Доллай десам ўтди-кетди жой. Оғирликни кўксимга сиғмай тепаётган юрак кўтармайди. Дардимни аранг ичимга қамаб орқамга, учрашув остонопкасига югурдим. Олдин туш бўлди, кейин кеч. Келмади номард. Ноилож етим қўзидай елка қисиб, остона ҳатладим. Хотиннинг "дод-вой"и уйни кўчирворди-ёв. Айтишувдан фойда йўқ. Пул ўрнига тушмайди. Тонг отмасдан кенжамни олиб бозорга писта қидириб кетдим. Олиб сотиб қайтадан пул урчита бошловдим, хотин ҳовридан тушиб мулойим гап бошлади.

— Опам келиб, анча насиҳат қилдилар, дадаси. Куйинаверманглар, дедилар. Еганимиз, ичганимиз, кийганимиз, қолди-ку, ахир. Бозордан қисмаса, пистанинг зўри пул, пулнинг зўри уй бўлади-да бир кун.

Зилдай қанор қопни инқиллаб елкамга оларканман, бутун аламимни тилимга жамладим:

— Писта зўр бўлса, пул, пул зўр бўлса, уй бўлишини бизам биламиз. Бу "апирис" зўр бўлса, нима қиламиз, хотин?

**Рауф СОАТОВ**

Voice of America

# Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

*«Америка овози»*

*радиосини қисқа тўлқин — УКВ*
*17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;*
*20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,*
*шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда*
*ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

VOA

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

Тошкент Юридик коллежи томонидан Ҳамидова Заҳро Мырсыдыковнага 2001 йили берилган 427424 рақамли диплом бекор қилинади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Аъзамхон Баҳромовга укаси
**Актамхон БАҲРОМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййидга укаси
**Нурмамат САИДОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

**Муассис:** Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

***Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:*** **Исмат ХУДОЁРОВ**

**Таҳрир ҳайъати:** Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Собиржон ЁҚУБОВ
® — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 515
Адади: 3047

*Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.